
Тадбиркорлар учун сайёр қабул ўтказилади!

Эртага, 17 ноябрь куни Ўзбекистон тумани тадбиркорлик субъектлари учун сайёр қабул ташкил этилади.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Фарғона вилоятидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Фарғона вилоятидаги вакили, Ўзбекистон тумани прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирини иштирок этади.

Тадбиркорлар сайёр қабули Яйпан шаҳрида жойлашган 23-сонли болалар музика ва санъат мактаби биносида соат 10:00 да бошланади.

“Тадбиркорлик фаолиятингизда мавжуд муаммолар ўз ечимини топиши учун сайёр қабулда иштирок этишингизни сўраймиз”, дея хабар бермоқда Бош вазирининг тумандаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси масъуллари.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-16 20:40:46